

Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ. Шу боис, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Охириги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ 7 карра оширилди, жорий йилда бунга 60 триллион сўм йўналтирилди. Мактабларда 1 миллионга яқин, боғчаларда 1,5 миллион янги ўринлар яратилди. Боғча билан қамров 3 карра ошиб, 78 фоизга етди.

Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устама жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг ўқитувчи ҳозирда 8-12 миллион сўм маош олаяпти.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрдаги “Тиббиёт муассасаларини фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилнинг 22 май куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида “Аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш – давр талаби” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш — давр талаби

2


Хушxabар

Жамоа
“АДОЛАТ”ни
танлади

Кейинги сонда.
Кутинг!



АЙБНОМАГА АЙЛАНГАН ТАРИХ ҲАҚИҚАТЛАРИ



Бу оламда бирор мамлакатнинг, давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг тарих саҳнасидан кетиши ўз-ўзидан рўй берадиган ҳодиса эмас. Бунинг учун объектив ва субъектив сабаблар мавжуд. Шундай экан, ниҳоятда қудратли ҳисобланган, Осиёнинг марказида империяга айланган Хоразмшоҳлар давлатининг қисқа бир фурсатда мўғуллардан, Чингизхон қўшинидан мағлуб бўлишининг сабаблари нимада эди? Ўрта аср ва ундан кейинги давр тарихчилари бу мағлубият сабабларини турлича изоҳлайдилар.

ИМТИЁЗ ҚАЧОН, КИМГА ВА НИМА УЧУН КЕРАК?

Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиш давлат томонидан қўллаб-қувватланади, яъни бундай кишиларга 1-, 2-, 3-гuruh ногиронлиги берилади. Бу — вақтинча имтиёз, яъни ногирон киши белгиланган муддат ичида ўз соғлиғини тиклаб олиши зарур. Минг афсуски, бизда бунинг акси бўляпти. Ногиронлик бир умр бериладиган имтиёз, деб тушунадиганлар кўп.

Баъзан раҳбарларнинг қабулларида иштирок этаман. Мурожаат қилувчиларнинг аксарияти имтиёз сўрайди. Уй олишда, кредит олишда, фарзанди ўқишининг шартнома пулини тўлаб беришда, хуллас, бу вазиятнинг сон-саноғи йўқ. Биз давлат томонидан берилаётган беминнат имтиёз ва енгилликларга ўрганиб қолмаяпмизми? Болаларимиз ҳам биздан ўрнак олиб, ана шундай турмуш тарзига одатланиб қолишини ўйлаяпмизми?

5

6



Ўзбекистон – Венгрия: Ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичи

Ташриф



Давра суҳбати

Аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш — давр талаби



1 Тadbирда “Адолат” СДП фракцияси аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатини “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Робохон Махмудова кириш сўзи билан очиб берди. У ўз нутқида тиббиёт тизимидаги муаммолар фониди фармацевтика соҳасида кузатилаётган жиддий муаммоларга тўхталди. “Тиббиёт оқсаган жойда фармацевтика гуркирайди – бу аччиқ, аммо ҳақиқат,” деди фракция раҳбари. Дорихоналарнинг кўпайиб кетиши соҳага тартиб-интизом ва тизимли ёндашув етишмаётганини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, Робохон Махмудова “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, дорихоналар сонини мақбуллаштириш орқали фармацевтика соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ва тармоқни оптималлаштириш борасида таклифлар ўртага ташланганини эслатиб ўтди. Бу таклифлар, ташаббуслар орқали аҳолининг тиббий воситаларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва соҳага нисбатан ишончини мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Тadbирда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Назокат Мухторова ҳам сўзга чиқиб, сўнгги етти йилда соғлиқни



сақлаш соҳасига қаратилган ислохотлар ва қабул қилинган 20 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари орқали жуда кўп ижобий натижаларга эришилганини маълум қилди. Қўмита раисининг таъкидлашича, 2025 йил учун соғлиқни сақлаш соҳасига давлат бюджети ҳисобидан 40 триллион сўм ажратилган, бу эса юртимизда ушбу соҳанинг стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигидан ва унинг устувор йўналиш сифатида кўрилаётганидан далолат беради. Шунингдек, қўмита ташаббуси билан со-

лиқни сақлаш тизими мутасаддилари ҳамкорлигида аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш юзасидан амалий семинарлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда, 2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини риволантириш бўйича концепцияси қабул қилинди. Концепция доирасида ҳар йили 300 турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жорий этилди. Нати-

жада ўтган йилларда стоматология, онкология, токсикология ҳамда пульмонология гуруҳларига кирувчи дори воситаларини маҳаллийлаштириш даражаси ошди.

Тadbирда иштирок этган мутахассислар ва экспертлар томонидан соҳада эришилаётган ютуқлар алоҳида қайд этилиб, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Дори воситалари бозорида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, нархларни тартибга солиш, маҳаллий дори ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, давлат харидларида очиклик ва рақобат муҳитини шакллантириш муҳим эканлиги таъкидланди.

Депутатлар аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, қундалик шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда қонун ва қонуности ҳужжатларнинг ижросини мунтазам ўрганиб бориш, амалиётда юзага келатган муаммоларни, ўз ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш, соҳани янада риволантириш ва тақомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар беришди.

Давра суҳбати якунида фармацевтика соҳасини риволантириш бўйича қабул қилинган қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ қилиш, уларнинг ижросини самарали ташкил этиш юзасидан режа ишлаб чиқилди.

“Адолат” СДП
Матбуот хизмати

Худудлардан хабарлар



Таклиф ва тавсиялар билдирилди

Қарши шаҳрида халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияда долзарб муаммолар, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Акмал Сайфитдинов, Қарши шаҳар ҳокими Нормўмин Холбоев, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияда 2025 йилнинг биринчи чорагида Қарши шаҳрида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар юзасидан шаҳар прокурори Собир Темиров ахборот берди. Унинг ҳисоботида жиноятчилик таҳдидларининг замонавий кўринишлари, уларга қарши курашиш механизмлари ва профилактик тadbирларнинг самарадорлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

“Адолат” социал-демократик партияси депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жиноятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш, муаммоларга тизимли ёндашув зарурлиги ҳақида долзарб таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Сессия якунларига кўра, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳининг фаолияти қониқарли, деб топилди. Бу эса партия гояларининг ҳаётда изчил амалга оширилаётганидан, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалий ишлар изчил олиб борилаётганидан далолат беради.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Президентимиз раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган аниқ йўналишлар, албатта, яқин келажакда ўз меvasини беради.

Бугунги кунда мактабларда 6 ярим миллионга яқин ўқувчилар таълим олаётганини ҳисобга олсак, бу жуда катта қатлам, жуда катта куч ва салоҳиятдир. Қолаверса, бу рақамлар замирида мамлакатимиз эртасини, келажagini, тараққиётини таъминлайдиган инсон капитали мужассам.

Давлатимиз раҳбари мактаб таълими бўйича ўта қуюнчақлик билан, ҳар бир масалага чуқур ёндашган ҳолда таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб бергани, мактаб таълими тараққиёти бўйича муҳим ташаббусларни илгари сургани том маънода, соҳага янгича мазмун олиб қиради. Хусусан, эътиборимизни тортган долзарб масалалардан бири – таълим сифатини юксалтириш бўйича қайд этилган фикрлар бўлди. Президентимиз айтганидек, қамров ошди, лекин сифат бўйича қиладиган ишларимиз кўп.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси, сўнгги йиллардаги шиддатли ислохотлар натижасида мактабгача, мактаб ва олий таълим тизимида қамров қаррасига оширилди. Навбатдаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири ва асосийси, бу – миқдор кўрсаткичларидан сифат ўзгаришларига ўтиш ҳисобланади.

Мазкур йўналишда барча мактаб ўқитувчиларининг билим салоҳиятини юксалтиришдан тортиб, уларни тайёрлайдиган педагогик олий таълим ташкилотларига фаолиятини ўзгартириш, методикани замонавийлашти-



Шўҳрат ЁҚУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

ришга эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Чунки иқтисодий жиҳатдан энг қудратли ва ривожланган давлатларда ҳам мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилади. Зеро, мактабдаги сифатли таълим, ўз навбатида, олий таълимга ҳам, умуммиллий саводхонлик даражасига ҳам, бутун бир миллиатнинг салоҳиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳам педагог кадрлар малакасини ошириш марказларининг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, уларнинг касбий ривожланишига қаратилган замонавий дастурлар жорий этилиши эътиборга молик. Шунингдек, таълим сифатини таъминлашда баҳолаш тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мактаб ўқувчиларини тўғри ва адолатли баҳолаш уларнинг билим олишига, ўқишга қизиқишига қўшимча рағбат беради.

Шу нуқтаи назардан, Президент ва иختисослаштирилган мактабларда жо-

рий этилган, синовдан ўтган замонавий баҳолаш тизимини оммалаштиришга, мактабларни халқаро тестология мезонларига асосланган ҳолда аккредитациядан ўтказишга оид замонавий ташаббусларнинг илгари сурилгани айни муддао бўлди.

Мактаб ўқувчиларини интернет ва турли ижтимоий тармоқлардаги зарарли маълумотлардан ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш масаласига Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиш ўринли. Айниқса, бу йўналишда махсус марказнинг ташкил этилиши, рақамли платформа ишга туширилиши уни миллий контентлар билан тўлдирилиши бўйича билдирилган тақлифлар бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Яна бир муҳим йўналиш сифатида хусусий таълим ташкилотларини ривожлантириш заруратининг қайд этилгани ўринли бўлди. Чунки, йилдан-йилга мактаб ўқувчилари сони ортиб бормоқда. Уларни давлат мактаб-

ларига тўлиқ қамраб олиш имконияти етарли эмас. Шундан келиб чиқиб, соҳага хусусий секторни жалб этиш, хусусий таълим ташкилотларининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқ. Сирасини айтганда, йиғилишда белгилаб берилган вазифалар таълим сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Уларнинг ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш барча раҳбарлар қатори биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зотан, Президентимиз белгилаб берган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, олдимизда мактаб таълими соҳасида бир қатор муҳим вазифалар турибди.


Энг аввало, мактаб таълимига оид қонун ҳужжатларини жиддий кўриб чиқиб, ҳатловдан ўтказиш, унда таълим сифатини таъминлаш механизмларини акс эттирадиган ҳуқуқий нормаларни белгилаш зарурати мавжуд.

Шунингдек, қонунчиликка мактаб ўқувчиларини интернет ва турли ижтимоий тармоқлардаги зарарли маълумотлардан ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга қаратилган янги нормаларни жорий этиш масаласини ўрганиш ва муҳокама қилиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида сайловчилар билан учрашиш учун ҳудудларга борганда, албатта, ўз ҳудудимизда жойлашган мактабларга қириб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари билан танишиб, уларни таъшишга солаётган муаммолар ечими бўйича амалий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Президентимиз томонидан мактаб таълимига алоҳида эътибор қаратилиб, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилиши келгусида соҳанинг ривожига, пировардида, мамлакат тараққиётини таъминлайдиган замонавий, билимли, салоҳиятли кадрларнинг тайёрланишига хизмат қилади.

АҲОЛИНИНГ ДАМ ОЛИШИ УЧУН



Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, экологик вазиятни яхшилаш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш, дарахтзорлардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, дарахтлар ва буталарнинг кесилишига мораторий эълон қилиниб, бутун мамлакат миқёсида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, янги маданий ҳордиқ чиқариш масканлари барпо этиляпти.



Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Аммо шунга қарамай, юртимиздаги сайилгоҳлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ҳудудларининг ва уларда экилган дарахтларнинг муҳофазасини кучайтириш, уларнинг ерларида бино-иншоотлар қурилишининг олдини олиш зарурати юзага келмоқда.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунга қадар республика бўйича 184 та истироҳат боғида дарахтзорлар ҳудудлари қамайтирилиб, 944 та бино-иншоот қурилган, 18 та истироҳат боғида 91 та ноқонуний қурилма мавжуд эканлиги ҳамда 98 та истироҳат боғида 1248 та аттракционлар ноқонуний ўрнатилгани аниқланган. Қолаверса, истироҳат боғларининг ерларини маҳаллий ҳокимият заҳирасига олиш ва кейинчалик хусусийлаштириш ёки бегоналаштириш амалиёти кузатилган.

Шу боис, “Адолат” социал-демократик партиясининг 2025 – 2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида жамиятда ижтимоий адолат таъминлини қарор топтиришга қаратилган ижтимоий йўналишдаги ташаббуслари акс эттирилиб, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар ва уларнинг ҳудудларини сотиш, хусусийлаштириш ёки бегоналаштиришни тақиқлаш, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаш тақлиф қилинган.

2024 йил 18 ноябрь куни Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи мажлисидаги тарихий нутқида партиялар сайлов кампанияси давомида илгари сурган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган ҳар бир тақлиф, албатта, қўриб чиқилиши ва амалга оширилиши таъкидланган эди. Ушбу йиғилишда “Адолат” СДПнинг истироҳат боғлари, сайилгоҳ, хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш бўйича позицияси давлат раҳбари томонидан эътироф этилганди.

Таъкидлаш жоиз, Германия, Испания, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Канада ва бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш натижасида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида сайилгоҳ, хиёбон, боғлар ҳудуди ва уларда экилган дарахтлар муҳофазасини кучайтириш, уларнинг ерларида бино ва иншоотлар қурилишининг олдини олиш мақсадида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинганди.

Яқинда ушбу ҳужжат – “*Ер участкаларидан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштиришнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*”ги қонун Президентимиз томонидан имзоланди.

Мазкур қонун билан давлат мулки бўлган ҳамда аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни ёки уларнинг бир қисmini хусусийлаштириш ёхуд бошқача тарзда бегоналаштириш тақиқланди. Ушбу ерларда бинолар ва иншоотлар қуриш ёки мавжуд бинолар ва иншоотларнинг қурилиш майдонларини кенгайтириш, ушбу ерларнинг ҳудудини қисқартиришни тақиқлаш белгиланди.

Жиноят кодексига киритилган қўшимчага кўра, мазкур чекловларга риоя этмаган ҳолда ер бериш тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарлик қўчайтирилди.

Шунингдек, ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари жорий этилиб, уларнинг асосий, шартли рухсат этилган ва ёрдамчи турларга бўлиниши кўзда тутилди.

Бундан ташқари, ботаника боғлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатида киритилди. Ботаника боғлари ҳудудида ушбу боғларни ташкил этиш мақсадларига мувофиқ бўлмаган ва ўсимлик дунёсининг сақланиб қолишига таҳдид солувчи ҳар қандай фаолият тақиқланиши назарда тутилди.

Мазкур қонун экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, ҳаво ифлосланишининг олдини олишга ва дов-дарахтларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

ЯХШИ ТАРБИЯ УЧУН КИТОБ, ШОГИРД УЧУН ЕТУК УСТОЗ КЕРАК!

Давлат раҳбари раислигида таълимда янги ислохотларни ҳаётга татиқ этиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган устувор вазифалар нафақат таълим соҳасининг, балки бутун бир жамиятнинг иши экани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Видеоселекторда кўтарилган таълимга дахлдор масалалар, шубҳасиз, аҳамият даражаси бўйича юқори ўринда туради. Чунки мамлакат тараққиёти ва келажаги ёшлар олаётган билим ва тарбияга боғлиқ. Бунга ҳар биримиз масъул эканимизни унутмаслигимиз керак.

Президент кейинги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ 7 қарра оширилгани, жорий йилда бунга 60 триллион сўм йўналтирилаётганини алоҳида таъкидлар экан, шунинг баробарида соҳада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Даҳақиқат, таълим дастурлари энг илғор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланмоқда, мактабларга замонавий жиҳозлар олиб берилаяпти. Хўш, давлат томонидан таълимга сарф этилаётган маблағга яраша жавоб – ўзгариш борми?

Афсуски, тизимдаги муаллимларнинг янги методикаларни ўзлаштириши, таълим сифатини таъминлаши даражаси кишини ажаблантиради. Масалан, икки йил олдин тоифа бериш тизими шаффоф, рақамлашган платформага ўтгани ҳақиқий аҳволни кўрсатди. Жумладан, ўтган йили 341 минг ўқитувчи янги тизим асосида тоифага топширган бўлса, шундан 102 минг нафари имтиҳондан ўта олмагани қайд этилди. Ишга олишда дипломга қараб эмас, билим ва малакани баҳолаш тизимига ўтилди. Бу янги тизим орқали имтиҳон қилинган 13 минг номзоддан 6 минг нафари билими қониқарсиз бўлгани учун ишга қира олмади. Президент яна бир ҳақиқатни очиклаб: “Ҳозирда 7-11 синф ўқувчилари кунига 8 соатгача вақтини телефонда ижтимоий тармоқларда ўтказаятгани мактаб директори ва муаллимин ҳам, ота-оналарни ҳам уйлантириши зарурлиги”ни таъкидлаб ўтди. Демак, таълим ва тарбиянинг оёғига тушов бўлаётган – телефон ва ижтимоий тармоқ масаласи жиддий кўриб чиқилишга ва бунга нисбатан қонуний чоралар кўрилишига муҳтож.

Ижтимоий тармоқларга канадай ёпишиб олган “ёт ғоялар” ёшлар онгини кун сайин заҳарлаб бораётгани ҳақиқат. Бу ҳолат ёшларнинг таълим ва тарбиясини издан чиқаришга хизмат қилмоқда. Шунинг кўра-била туриб, ота-оналар фарзандларига муқофот сифатида телефон ҳадя этмоқда. Масалан, “Яхши ўқисанг телефон олиб бераман”, деб фарзанд билан ваъдалашиб олишяпти. Натижада болалар ўзини ўқётгандай, ҳунар ўрганаётгандай кўрсатиб, осонгина телефонга эга бўлишмоқда.

Президент томонидан яна бир аянчли ҳолатга алоҳида эътибор қаратилди, яъни вилоятларда, айниқса, Наманганда ўқувчиларга автомобилни ижарага бериш авж олгани оқибатида,


ҳар ойда 10-15 нафар ёшлар мажруҳ бўлиб қолаяпти, ўлим билан тугаётган ҳолатларнинг кўпчилиги ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари, вилоят, туман прокурорлари қонун устуворлигини таъминлашда сусткашликка йўл қўяётганини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан болаларга машина бошқаришни берганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш топширилди. Чиндан ҳам, бу ҳолатда ота-оналарнинг ўз фарзандлари тақдирига бефарқ бўлаётганини кўриш мумкин. Ҳой-ҳавас ёки бола кўнглига қараб, вояга етмаганларга машина миндириб қўйиш ҳолатлари бутун бир жамиятни ларзага солса-да, ота-оналар ва шахсий манфаатини устун қўйган “тадбиркор”лар ўз билганидан қолмай, қанчадан-қанча ўсмирларнинг ҳаётига зомин бўлишда давом этишди. Бунинг қандай тушуниш мумкин? Одамлар фаросат бобида тубанлашиб кетганини қандай изоҳлаш мумкин?

Айримлар фарзандига тарбия бериш кераклигини унутиб қўйганга ўхшайди. Ахир тарбиясиз болага таълим бериш фойдасиз-ку! Тарбияни мунтазам оилада ҳам, боғчада давом эттириш зарур. Лекин, афсуски, боғча ва мактабдан уйига қайтаётган болалар қўлидаги кераксиз буюмларни бемалол кўчага улоқтириб кетмоқда. Болаларнинг ота-онаси ёки боғча опасига бу камчиликни айтсангиз, “улар ҳали бола-да”, деб ўзларини оқлашга уринишди.

Тўғри, улар бола, лекин тарбия билан бундай ҳолатларга барҳам бериш мумкин-ку!

Видеоселектор йиғилишида “эндиликда жорий йилдан илғор хорижий тажриба асосида мактабга тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич таълим ўқув дастурларини ўзaro уйғунлаштириш зарурлиги” таъкидланди. Бу тўғри қарор. Боғчада ҳам, бошланғичда ҳам таълимни оғирлаштириш керак эмас. Болажонлар учун урта дарсликни, яъни ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни билиш кифоя. Қолган пайтларда одоб-ахлоқ, тартиб-интизом, теварак-атрофга муҳаббат, озодалик, рўзгор тебратиш қоидалари, спорт ва компьютерни ўзлаштиришга эътибор қаратиш муҳим. Чунки бийрон ўқишни, бехато ёзишни ва аниқ ҳисоблашни ўзлаштириб улгурмаган болага ортиқча босим ўтказиш яхши натижа

Ёш авлоднинг келажagini ўйлаган ота-она ҳам, муассаса ҳам уларнинг қўлига яхши китоб тутқазсин. Чунки китоб — тарбия ўчоғи! У ҳар икки томонга манфаат келтиради. Шу нарса аниқки, ҳали ҳам одамларда илмга бўлган муҳаббат ва чанқоқлик бор. Бу чанқоқликни қондириш учун балки биргина туртки керакдир. Айни пайтда давлат раҳбари томондан ўша туртки берилди. Ота-оналар ва устозлар ҳаракатга тушсалар бўлгани. Биринчи галда улар матбуот нашрлари билан алоқаларни тиклаб, фарзандларини газета-журналларни мутлола қилишга ўргатиши даркор. Чунки матбуот сиёсатдан хабардор қилади, илғорликка ундайди, илмга рағбат беради. Яна бир фикр, яхши шогирд учун яхши устоз бўлиш, албатта, керак. Чунки яхши устоз ўз шогирдини илм-маърифат, тарбия, ҳунар йўлига, ҳалоллик йўлига бошлайди.



Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон Журналистлари
уюшмаси аъзоси

бермайди. Бошланғичдаги биринчи синф ўқувчисининг ўн учта китоби бор. Менимча, ўн учта китобнинг юқини ҳам, илмини ҳам етти ашар бола кўтара олмайдди. Масаланинг шу томонига эътибор қаратилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Мутасаддиларга қизиқарли туризм тўпламларини қилиб, ҳар йили 1 миллион ўқувчини Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга жалб қилиш топширилгани ўта муҳим вазифалардан бири, деган бўлардим. Чунки саёҳат фикрни бойитади, тасаввурни тўлдирди ва дунёқарашни кенгайтиради.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш учун 900 га яқин театр, маданият марказлари ва концерт заллари, ҳудудларда 1,5 мингга яқин спорт майдончалари, 200 та оромгоҳ, 2 мингдан ортиқ туризм объектилари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлагани ҳам бежизга эмас. Чунки юқорида зикр этилган маданий-маънавий даргоҳлар, спорт-соғломлаштириш масканлари ва туризм соҳасининг барчасидан ёшларимиз баҳраманд бўлишлари керак.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI
HUZURIDAGI YOSHLAR PARLAMENTIGA "ADOLAT" SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
YAGONA SAYLOV OKRUGIDAN SAYLANGANLAR



Adilova Farzona
Alisher qizi



Daniyarov Berdax
Tolibayevich



Abdusalomov Ilhomjon
Abduqayum o'g'li



Muhammadov
Jahongir Baxtiyor o'g'li



Alimov A'zambek
Farxod o'g'li



Nabixonova Masturaxon
Ibroximxon qizi



Turdimurodova Dinora
G'ulomjon qizi



To'xtashova Ozoda
Xusniddin qizi



Abdunabiyeva Farangiz
Odiljon qizi



Islamov Sherzadxon
Zayniddin o'g'li



Amonov Zuxriddin
Nasriddin o'g'li



Xusanova Shirinabonu
Ergash qizi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI
HUZURIDAGI YOSHLAR PARLAMENTIGA "ADOLAT" SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
BIR MANDATLI SAYLOV OKRUGLARIDAN SAYLANGANLAR



Vohidov Shohjahon
Abduvosi o'g'li
6-ANDIJON VILOYATI
SAYLOV OKRUGI



Abdug'afforov Shavkat
Komilovich
38-SURXONDARYO VILOYATI
SAYLOV OKRUGI



Sobirov Umarjon
Umid o'g'li
48-TOSHKENT VILOYATI
SAYLOV OKRUGI



Toshmatov Dilmurod
Fazliddin o'g'li
52-FARG'ONA VILOYATI
SAYLOV OKRUGI



Abdurazakov Abdulaziz
Akbarjon o'g'li
57-FARG'ONA VILOYATI
SAYLOV OKRUGI



Sharifboyev Bunyod
Azamat o'g'li
61-XORAZM VILOYATI
SAYLOV OKRUGI



Shomurodov Shohjahon
Shuxrat o'g'li
67-QASHQADARYO VILOYATI
SAYLOV OKRUGI



Ubaydullayeva Ismigul
Shavkatillayevna
70-TOSHKENT SHAHAR
SAYLOV OKRUGI



Tog'aymurodova Fotimaxon
Shuxrat qizi
72-TOSHKENT SHAHAR
SAYLOV OKRUGI

Ёшлар
парламентининг
янги таркиби
сайланди

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кў-
никмаларини юксалтириш, уларни қонун
ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этиш, ёш
авлоднинг сиёсий фаоллигини оширишда
Ёшлар парламенти муҳим институтга айлан-
моқда.

Таъкидлаш лозимки, Ёшлар парламентининг ҳар
бир аъзоси ўзи истиқомат қиладиган ҳудуд ёшларин-
нинг муаммоларини ўрганиб, сабабларини аниқлаб,
уни ёшлар ўртасида муҳокама қилган ҳолда барта-
раф этиш чораларини кўрмоқда. Қолаверса, қонун
ижодкорлиги жараёнида иштирок этиб, тенгдошлари-
нинг хоҳиш-истакларини қонунчиликка татбиқ этиш,
уларнинг тақдирларини парламентга олиб чиқишга
интилоқда.

Шу йилнинг 23-30 апрель кунлари Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳу-
зуридаги Ёшлар парламентининг янги таркиби учун
навбатдаги сайловларнинг республика босқичи бў-
либ ўтди.

Қайд этиш лозимки, Олий Мажлис Қонунчилик па-
латаси Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар
парламенти фаолиятини такомиллаштириш тўғри-
сида"ги қарорига мувофиқ Ёшлар парламенти сай-
ловлар уч босқичда бўлиб ўтди. Мазкур қарор асо-
сида сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик па-
латаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларини
сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқланди.

20 март — 1 апрель кунлари сиёсий партия-
ларда Ёшлар парламенти сайловларнинг биринчи
босқичи барча туман ва шаҳарларда бўлиб ўтди.
Ушбу босқичда республика бўйича жами 9 минг 531 та
ариза келиб тушган. Туман (шаҳар) саралаш босқичи
ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, жами 2 минг
493 нафар иштирокчи сайловнинг иккинчи — ҳудуд-
ий босқичида иштирок этди. Худудий босқичлардан
эса жами 530 нафар иштирокчи сайловнинг учинчи —
сиёсий партиялар томонидан республика босқичида
иштирок этди.

Республика босқичи якунига кўра, тавсия этилган
150 нафар номзод рўйхати Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комис-
сиясига тақдим этилди. Ёшлар парламенти аъзолари
сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасида эгал-
лаган депутатлик ўринларига мутаносиб 21 нафари
"Адолат" СДПдан сайланди.

Ёшлар парламентининг янги таркиби ёшлар ма-
салаларини ҳал этиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаат-
ларини ҳимоя қилиш, ғоя ва ташаббусларини рўёбга
чиқариш ҳамда уларни ислохотлар жараёнига фаол
жалб этишда ташаббускор бўлади.

Муносабат

Таълим тизимидаги барча ислохотларларнинг асосчиси бўлган давлатимиз раҳбари томонидан 15 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу соҳага яна бир бор жиддий эътибор қаратилиди ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шартлиги таъкидланди.

Ватанпарвар ёшларни тарбиялаш – олий мақсадимиз



Маъмурахон СУЛТОНОВА, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати

Дарҳақиқат, мамакатимизда таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш кейинги йилларда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чин маънода ёш авлоднинг жаҳон андозаларига мос равишда билим ва касб-хунар сирларини эгалашиш учун йилдан-йилга янги имкониятлар яратилмоқда.

Кечагидай эсимда, 2023 йилда Президент билан юзма-юз мулоқот қилган чоғимда мактабимиз ўқувчилари юз фоиз олий таълим муассасаларига ўқишга қираётгани ҳақида сўзлаб бергандим. Шунда Президент: *“Сизга буғуноқ давлат мукофоти бераман, йиғилишдан чиқибоқ фармонга имзо чекаман”*, дегандиалар. Йиғилиш тугаб, оилам даврасига етиб борганимда ҳамкасбларим, таниш-билишларим менга *“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”* фахрий унвони берилгани ҳақидаги хушxabар билан табриклай бошлашди. Уша куни ўқитувчилик касбини танлаганимдан беҳад миннатдор бўлгандим. Гайратимга гайрат, кучимга куч қўшилганди. Ёш авлодни тарбиялаш ва билим беришга бўлган иштиёқим юз карра ошиб кетганди.

Ҳа, чиндан ҳам таълимга қаратаилаётган эътибор тизимли равишда юксалиб борапти. Ўқув даргоҳларининг замонавий кўринишга келтирилиши ва таълим самарадорлигини ошириш учун барча зарур анжомлар билан таъминлианишига сарф этилаётган маблағларнинг етти йилда 7 баробарга оширилиши ва соҳани янада юксалтириш учун бу йил 60 триллион сўм ажратилгани бежиз эмас. Сарф этилаётган маблағларнинг ҳаммаси келажақ авлоднинг салоҳиятини кучайтириш, билимини юксалтириш, ҳаётини яхшилаш ва Ватанга бўлган мухаббатини оширишга қаратилган.

Замон билан ҳамоҳанг тарзда ижтимоий тармоқлар кун сайин ривожланиб бораётган бугунги кунда болаларни зарари ахборотлардан ҳимоя қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Ёшларни бу “қоққондан” қўтқариш ва тўғри йўлга солиш биз, таълим соҳаси раҳбарларига жуда катта масъулият юклайди. Бу борада биз, аввало, ота-оналар, жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлашимиз керак бўлади. Ёсимр чоғида болалар қизиқувчан ва эргашувчан бўлади. Агар уларга вақтида тўғри йўл кўрсатилмаса, кейин тўхтатиб қолиш қийин кечади. Демак, болани ҳар қадамда ота-оналар ҳам, устозлар ҳам, жамоатчилик ҳам тенг назоратга олиши керак.

Бу билан таълимдаги муаммоларни бартараф этиб, унинг сифатини янги даражага олиб чиқишга ва ёшларни дунё илм-фани янгиликларини тез қабул қиладиган, кези келганда энг илгор давлат ёшлари билан тенгма-тенг бахсалаша оладиган янги авлодни вояга етказишга эришган бўламиз. Ёшларимиз орасида ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ҳеч қандай тўсиқларсиз рўёбга чиқариш учун эркин ва қулай шарт-шароитларни, тенг имкониятлар ва келажақ учун мустаҳкам кафолатларни истиайдиган, сифатли таълим олишни ўзига бош мақсад қилиб олганлари кўп. Чунки бугунги кун ёшлари орасида унги сари юзланим оқруси ҳам кучли. Демак, уларда дунё талабига жавоб берадиган инсон бўлишга иштиёқ бор.

Ҳаётда ёшларга таълим бериш билан чегараланиб қолмасдан, тарбия бериш, спортга, санъатга ва меҳнатга қизиқтириш ҳам муҳим ҳисобланади. Энг асосийси – билим билан одоб ҳамиша ёнма-ён туриши керак.

Мактабимизда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятларини ошириб бориш билан бир қаторда маънавий дунёқарашларини ҳам кучайтириб, мактаб директори ва халқ вакили сифатида Президент томонидан эътироф этилган – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратиш” борасидаги мақсад ва вазифалар ижросини сидқидилдан таъминлашни шарафли бурчим деб билган ҳолда самарали меҳнат қилишга аҳд қилдим.

Шу билан бирга, барча таълим муассасалари раҳбарларини ҳам ушбу вазифани сидқидилдан бажариш йўлидаги ишларда аввалгидан-да, фаол бўлишга чақириб қоламан.

Bugun va tarix

АЙБНОМАГА АЙЛАНГАН ТАРИХ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Мозийга қайтиб иш кўрмак хайрли дейишади. Бу галги мозий мавзуси XIII аср бошларида Хоразмшоҳ Ануштегинийлар давлатининг мўғуллардан мағлуб бўлиш сабаблари борасида бўлди.

Камол МАТЁҚУБОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тўли лашкарлари билан Хуросонга юриш қилиб Абивард, Язир, Тус, Жожарм, Жувайн, Байхақ, Синжон, Сарахс, Зуробод каби шаҳарлар ва қалъаларни босиб олиб, Ҳиротдан Сижистонгача бўлган қасабаларда уруш оловини ёқди. Барча жойларда уруш, қиргин, талон-торож ва вайронагарчиликлар давом этди. Унинг бошчилигидаги 70 минг кишилиқ қўшин 1222 йилнинг бошларида Марвга кириб келади ва қамал қилади. Мўғуллар уч кеча-кундуз тинимсиз ҳужум уюштирадilar. Улар шаҳарни қўлга кири-толмайдилар, лекин шаҳар ноиб Муҷрул Мулк Марвни Тўлига топшириш ҳаракатига тушиб қолади. Имом Жамолиддинни кўплаб отлар, туялар ва қимматбаҳо совғалар билан шаҳар аҳлининг таслим бўлганини билдириш учун Тўли ҳузурига юборади. Тўли ундан шаҳарнинг аҳоли, алломалар, хунардандлар ва бойлар ҳақида сўрайди. Мўғулларнинг рўйхатини тузишни буюради. Шаҳар таслим бўлгач рўйхатда ёзилган бойлардан барча бойликларни тортиб олинади. Кейин шаҳар аҳлини ялангликка олиб чиқиш ишлари амалга оширилади. Бу иш аҳоли ниҳоятда қўл бўлгани учун тўрт кун давом этади. Мўғуллар шаҳар ташқарисида хунардандлар, усталар, аёллар ва болалардан бир қисмини ақратиб оладилар, қолганларини эса ўлимга буқарадилар. Лашкарларнинг ҳар бири уч юзтадан тўрт юзтагача одам ўлдирадilar. Тўлининг амри билан Марв шаҳри талон-торож қилинади, унинг мудоффаа деворлари бузиб ташланади. Дин ва давлат арбобларидан бири Саййид Иззиддин Нассаба ёнига олган бир гуруҳ билан ўн олти кеча ва кундуз ўлдирилганларни санаб чиқадилар. Ўлдирилган одамларнинг сони яшарин жойларда ва шаҳардан узоқда ҳалок бўлганлардан ташқари бир миллион уч юз мингдан ортиқ эди. Мўғулларнинг ёвузликлари туфайли Марвда инсон қони судайи оқизилади. Тўли Марвни тарк этиш пайтида яна бир қабилани амалга оширади. Тўрбой бошчилигида беш минг мўғул лашкарини пистирмада қолдиради. Орадан анча кўнлар ўтганидан кейин бу пистирмадаги мўғуллар қайтадан Марвга қирадилар. Шаҳар яшириниб қолган марвликлар ва четдан келганлар билан анча жонлиб қолган эди. Тўрбой бошчилигидаги мўғуллар яна юз минг кишини ҳаётига нуқта қўяди. Мусулмончиликни йиғиштириб, мўғуллар хизматига ўтган хоин Оқмалик лақабли Хумоюн сипоҳсолар одамлари билан аҳолига зулм қилиш борасида мўғуллардан ҳам оқиб тушади. У Марв кўчаларида тонгда азон айтиради. Қиличлардан, ўлимлардан омон қолганлар мўғуллар йўқлигига ишониб масжидларга йиғиладилар. Оқмалик одамлари билан уларни қўлга олиб, масжидларнинг томларидан ташлатиб ўлдирадilar.

Уруш нафақат мўғулларнинг, балки юртига, халқига хиёнат қилиб улар хизматига кирган разил кимсаларнинг бадиқдорликларини ҳам намоён қилди. Жужжоний асаридан ана шундай воқеа иштирокчиси бўлган кимса ҳақида маълумот келтиради: «Мўғуллар орасида улар хизматига кирган Хабаши исмли одам бор эди. У Устув-Хабушоннинг (Нишопур ақинидаги қасаба) Қосижа деган масканидан эди. Хабаши сарҳанг эди, лекин мўғуллар уни масҳаралаб устидан қулиш учун унга малик унвонини беради. Уни имон-эътиқодидан қайтганларга раҳбар қилиб қўйишади ва манжаниқларни ўрна-тиш, пиедаларни, ҳашарчиларни бошқариш ишини ҳам унга топширишади. Одамлар у туфайли оғир мусибатларни, чидаб бўлмас даражадаги хўрлик ва азорларни ҳам бошидан кечирдилар. У макорона хўйларга ўйлаб топарди. Маълумки, Хуросонда ҳар бир қишлоқ ўз ҳимоя деворига, девор атрофида чукур хандағига ва масжидига эга эди. Қишлоқларнинг эса раислари бўларди. Хабаши «малик»лиқа эришгач қишлоқларнинг раисларига номлар йўллаб, уларга қўл остидаги одамларни белкурак, кетмон, ўқ-ей ва умуман, қамал пайтида керак бўладиган курул-яроғлар билан бирга ўз хузурига олиб келишни буюра бошлади. Агар раислар буйруқни бажариб, хузурига келса, Хабаши уларнинг кучига таяниб бирор қалъани қамал қилишга киришарди. Уни босиб олиб, аҳолисини оғир қийноқларга соларди. Агар раислардан кимдир унинг буйруғига итоат этмаса ва айтганини қилмаса, у ўша қишлоқнинг ўзига қарши юриш бошларди. Уни қамал қилар, ҳамма нарсани бузар, раис ва қишлоқ аҳлини қилидан ўтказдилар эди». Ўша пайтда мўғуллар қўлида ўйинчўк бўлган, ўзининг ахлоқсизлигини, мансабпарастлигини, нафс бандаси эканлигини намоён қилиб, халқига нисбатан хунрезлик қилган бундай ҳабашилар кўп эди. Уларнинг қаттолликлари туфайли, хиёнатлари, сотқинликлари эвазига халқ ҳам, юрт ҳам бошидан оғир фожиаларни кечирди.

Ибн ал-Асир «Мукаммал тарих» асаридан бу хусусда тўхталиб, шундай деб ёзади: «Бир неча йил давомида мен бу дахшатли фожиалар, мисли кўрилмаган қиргинлар ҳақида ёзолмай юрдим, ёзишга сўз тополмадим. Бир оғим билан бу қаттол тарих бағрига қирмоқчи бўлсам, иккинчи оғим мени орқага тортирди. Ахир ислом олами-нинг, мусулмонларнинг бошига тушган бу кўреуликларни қозғаса тушириш осони? Қозғаса тушириш, ёзиш нари турсин улар ҳақида сўз айтилишиг ўзи нақадар оғир! Оҳ, онам мени тугмаси эди, бундай кўреуликларни кўрмаган бўлардим. Оҳ, агар мен эртароқ ҳаёт билан видолашганимда эди, бундай дахшатлардан оқибат бўлмасдим. Башарият бундай одамқушликни Ер юзидида ҳаёт яқундага етувнча кўрмаса керак! Ахир Дажоҳ ҳам ўзига дўшман бўлганларчигина ўлдирган. Мўғуллар эса барча инсонларни ёппасига қирди. Улар Дажолдан

ларни, тарқоқликларни ва охир-оқибат зиддиятларни юзага келтириши аниқ эди ва шундай бўлди ҳам. Шу билан бирга Оловуддин Муҳаммад гарчи Хоразмшоҳ сифатида мамлакатда биринчи шахс ҳисобланса ҳам, унинг қарорлари, буйруқлари Туркон Хотун томонидан бекор қилинар, улар ўрнига янги буйруқ ва қарорлар чиқарилар, буларнинг бари ҳукмдорга нисбатан ишонсизлигини юзага келтирган эди.

Иккинчи омил – мамлакат ҳимоясида яқдиллик, ҳамкорлик, фидойилик етишмаслиги билан боғлиқ эди. Маълумки, Оловуддин Муҳаммадга қадар мамлакатда салтанатни бошқариш тўла даражада Хоразмшоҳ мансуб бўлган ўғуз қабилалари вакиллари ва улар орасидан етишиб чиққан беклар, амирлар, хонлар, маликлар, сипоҳсоларлар қўлида эди. Валиаҳдлик ўғуз маликалардан туғилган шахзодаларга насиб этарди. Бу ёзилмаган, аmmo доимо қатъий амал қилинган қоида мамлакатни бошқаришда яхлитлиқни, жипислиқни юзага келтирган, давлат мустаҳкам асосда бошқарилган. Ҳокимият тепасига Оловуддин Муҳаммаднинг келиши ва Туркон Хотуннинг ҳукмфармолик қилиши натижасида қилчўқ қабилалари вакиллари Хоразмшоҳлар салтанати ақобиллари, қўшинлар раҳбарлари орасида ҳам қўлайди. Уларнинг Хоразмшоҳлар сафига келиб қўшилиши натижасида дастлаб Хоразм давлатининг ҳам, қўшинининг ҳам мавқеи юксалди. Аммо кейинчалик ўғузлар ва қилчўқлар вакиллариининг салтанатда мансаб талашиишлари, кўпроқ бойликка эга бўлиш учун интилишлари натижасида бу икки қабилла, уруғга мансуб одамлар ўртасида зиймдан адоватлар кучаяди. Булар давлат бошқарувининг ичдан емирилишига олиб келди.

Эътибор беринг, 1217 йилда Хоразмшоҳ ўзига валиаҳд тайинлаш жараёнида катта ўғли, жангу жадалларда доимо ўзи билан бирга олиб юрадиган, мард, ақлли, ҳар жиҳатдан етук, тахт ворислигига муносиб, сукутни фарзанди Жалолиддинни эмас, онаси ва қилчўқ амирларининг талаби билан «Туркон Хотуннинг арзандаси, ақлдан Худо қисган, давлат қатталари билан келиша олмайдиган, зolim ва қўпoл-ликда ўзини намоён қилган, билими ҳам кам» (Отамалик Жувайний таърифи) Ўзлoқ-шоҳни тайинлайди. Аммо ўлими олдиндан Оловуддин Муҳаммад Жалолиддинни Хоразмшоҳ деб эълон қилади. Жалолиддин атрофидаги одамлар билан Хоразмга келади. Гурганжи мўғуллардан ҳимоя қилишни ният қилади. Бирок қилчўқ беклари, Туркон Хотун тарафдорлари, яқинлари Жалолиддиннинг Хоразмшоҳ деб эълон қилинганин тан олмай, уни ўлдирishi ҳаракатига тушадилар. Мўғуллар Гурганж оstonасида турган пайтда қилчўқ беклари Жалолиддин билан уларга қарши биргалашиб курашиш ўрнига мансаб талашиб, унга қарши қилч қайрашлари давлатнинг ичдан емирилгани-нинг бир ифодаси эди. Афсуски, мўғулларга қарши кураш жараёнида бундай ҳолатлар тез-тез рўй бериб турди.

Мағлубиятга сабаби бўлган учинчи омил – Хоразмшоҳлар давлатида хонлиқ ва хиёнатнинг кучайishi туфайли юзага келди. Одатда бирор мамлакатга босқинчилик уруши бошланганидан бўлса, шу мамлакат ақли, агар уларнинг ўз юртига, Ватанига меҳр-мухаббатлари юксак бўлса, ораларидаги мавжуд ички қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, низоларга барҳам бериб, ташқи дўшманга қарши кураш йўлида бирлашганлар. Хоразмда эса аксинча ҳолат рўй берди. Мўғуллар Хоразмга юриш бошлаганларидан кейин Хоразмшоҳнинг лашкарларидан бир гуруҳи ва ғанимлари ундан ўзи олиш мақсадида мўғуллар сафидан жой олиб, нафақат Султоннинг ўзига нисбатан, балки халқи ва юртига нисбатан ҳам хиёнат йўлига қирдилар. Бу борада Хоразмшоҳнинг Утрордаги базирини босари бўлиб хизмат қилган Бадриддин Амиднинг қилимини бир эсланг. Унинг Чингизхон хузурига келиб, хонлиқ йўлига кириб, айёрлик билан тайёрлаган мактуби Хоразмшоҳ давлати ва қўшинида минг-минглаб хиёнаткорларнинг пайдо бўлиши ҳамда сотқинлик йўлига ўтишига замин тайёрлади. Бу борада Шихобиддин Муҳаммад Насавий шундай деб ёзади: «Мақтублардан бирини ўқигач Султоннинг кўз олди қоронғулашди, дунё кўзига тор қўринди, қатъиятга путур этди. Қилларини сотқинлик қилиши мумкинлиги ҳақида ҳаётан тасаввур қилган бўлса, олган маълумотларига қўра қўйлар ҳақиқатан шундай бўлиб қолди. У аҳоли ниҳоятда оғирлашган бир пайтда мард лашкарларидан ҳам айрилди. Етпти минг одамдан иборат уронлилар (онасининг

ака-укалари, уларнинг ўғиллари, жианлари ва бошқа яқинлари) уни ташлаб, мўғуллар томонга ўтиб кетди. Кундуз ҳукмдори Оловуддин намойишкорона тарзда Чингизхон томонга ўтиб, Султонга қарши курашга бел боғлади. Балхнинг танқили одамларидан бири Моҳ Рўйи ҳам мўғуллар томонга ўтиб кетди. Унинг куч-қудратига путур етиб, иши орқага кетиб, ҳамкорлик алоқалари қамалган пайтда одамлар билдирмасдан уни ташлаб кета бошладилар».

Муаррихларнинг кўпчилиги Хоразмшоҳнинг мўғулларга қарши курашдаги энг катта хатоси унинг барча қўшинларни тўплаб, жанг майдонида ҳужумкор муҳорабага кирмаганлигида, стратегик жиҳатдан хато бўлган мудоффаа йўлини тутганлигида, деб ёзадилар. Жўмладан, Рашидиддин «Асар у мўғулларга қўлларни бўлиб юбормасдан авал ҳужум қилганида эди, уларни ўраб олиб ер юзидан сидириб ташлаван бўларди», деб фикр билдиради. Тўғри, у шундай жанг усулини қўллаши керак эди. Шунда балки муваффақиятга эришолмаган тақдирда ҳам мўғулларнинг зулмкор қучига қаттиқ зарба берилган бўларди. Лекин шу ўринда масаланинг бошқа томони ҳам бор. Юқоридагилардан англасилмоқчида, Хоразмшоҳ давлати ва қўшини сафидаги кимсалар ўзларининг хонлиқ ва хиёнаткорликдан иборат фитналарини уруш майдонларидан четда турган ҳолда амалга оширганлар. Шундай экан, ҳўш, улар бу фитналарини Хоразмшоҳ лашкарлари билан мўғуллар ўртасида кечадиган жанг майдонларида, муҳораба пайтда амалга оширмаслиқларига қафолат бормиди? Албатта, йўқ эди! «Шунинг учун ҳам, Хоразмшоҳ уларнига (яъни хонларнига) иттифоқига барҳам бериш мақсадида, мамлакат ҳимоясини мустаҳкамлаш учун зарур дewan асосда, қўшинни гуруҳларга бўлиб, турли жойларга жўнатди», деган хўлосини келтиради Шихобиддин Муҳаммад Насавий. Бу маълумотдан Оловуддин Муҳаммаднинг қўпчилик тарихчилар томонидан қораланган мудоффаа усули ўша жараёндаги ҳаётий зарурат асосида юзага келганлиги ойдинлашади.

Маълумки, юртга, халққа нисбатан хонлиқ, хиёнаткорликдан иборат қабих ишларни амалга ошириш учун жой танланмаган. Бундай ёвузлик ҳар қандай ҳолатда ҳам амалга оширилаверган. Бундай қабих фитналар хатто мўғулларга қарши мудоффаа жанглари пайтда ҳам рўй берган. Утрор шаҳри қамали пайтда Ҳожиб Қорачанинг лашкарлари билан хонлиқ йўлига кириб, мўғуллар сафига келиб қўшилишини ёки Бухоро мудоффеасини шаҳар ҳимоячиларига ташлаб қочган Ихтиёрдин Кушлу ва Ўғил Ҳожиб бошчилигидаги лашкарларини эсланг. Ёҳуд Самарқанд мудоффеаси пайтда 30 мингдан ортиқ қилчўқ лашкарларининг мўғулларга қарши жанг қилишдан бош тортиши, Гурганж-да ҳар бир қўча, ҳар бир уйда жанг бораётган кезде қўшин бошлиғи Хумор тегиннинг мўғуллар ҳузурига элчи юбориши хон-



Оловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўлими тасвирланган миниатюра Рашидиддиннинг "Жомеъ ут-таворих" асари қўлзмаси учун тийёрланган ва бугунги кунда Франция миллий кутубхонасида сақланади. Қўлзма 1430 йилда Ҳиротда Шохрух Мирзо кутубхонаси учун тийёрланган ва бугунги кунда Франция миллий кутубхонасида сақланади. Миниатюрада унинг эсон бериш пайти акс этган. Рашидиддиннинг маълумотларига кўра, Хоразмшоҳ вафотидан аввал ўғли Жалолиддин Манубердини ўз меросхўри деб эълон қилган.



ИМТИЁЗ

ҚАЧОН, КИМГА ВА НИМА УЧУН КЕРАК?

Яқинда бир танишим янги машина олгани, уни қўшни вилоятда ишлайдиган синглиси номига расмийлаштирганини айтиб қолди. Мен эса ҳозир ҳамма нарса ошқора, бемалол ўзининг номига хоҳлаганча машина олиш мумкинлигини айтдим. “Келинингиз билан мен “қизил дафтар”да турамиз. Агар машина олсак, дафтардан чиқаришади, яъни кўп имтиёзлардан бебаҳра қоламан”, деди у.

Фармон ТОШЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Тўғриси, шу гаплардан кейин қўлимга қалам олдим. Изоҳли луғатларда “имтиёз” сўзи “Муайян сабабларга кўра айрим шахслар ёки ташкилотларга бериладиган алоҳида, ортиқча ҳақ-хукук, шароит, енгиллик”, деб ифодаланган.

Келинг, тасаввуримизни аниқлаштириб олайлик.

Мисол учун, агар олий тоифали қишлоқ ўқитувчилари бир тумандан бошқа туманга ўтиб ишласа, яшаш харажатида ташқари ойлик маошига 50 фоиз қўшимча берилади. Бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтиб ишлаганда эса бу кўрсаткич 100 фоизга оширилади. Демак, бу ерда имтиёз маҳоратли муаллимнинг жамиятга муносиб ҳисса қўиши учун берилади.

Айтайлик, саёхатга чиқдик. Орамызда тепаликка қараб юриши қийин бўлган ёшдагилар бор. Лекин биз уларга имтиёз бера олмаимиз. Уларга битта ёрдам кўрсатилиши мумкин, яъни саёхатчилар борадиган манзилга транспорт орқали олиб чиқиш.

Солиқ соҳасида ҳам уни бўлиб-бўлиб тўлаш енгиллиги бор. Бунда ишчи ўрнини, ишлаб чиқариш жараёнини сақлаб қолган ҳолда давлат олдидаги қарздан қутулиш мuddао қилиб белгиланган. Ёки қишлоқ жойларидаги хусусий болалар боғчаларида ишлаётган хотин-қизларга тўғридан-тўғри, яъни суҳбат орқали олийгоҳ талабаси бўлиши имтиёзи беришган. Негаки у маълумотини ошириб қайтса, ўша ҳудудда таълим-тарбияни яхши йўлга қўяди.

Қишлоқ ёшларининг бандлигини таъминлаш мақсадида уларга экин ерлари аукционсиз тарқатилди. Бунинг устига ҳосил олгунига қадар солиқдан имтиёзлар берилди. Бунинг ҳам мақсадини тушуниб турибсиз.

Қишлоқ жойларда ободончиликни таъминлаш мақсадида “опен-бюджет” тизими яратилди. Бу аҳоли учун катта имтиёз ас-лида. Чунки одамлар ўзлари ҳар кунги дуч келадиган муаммони бартараф этиш учун овоз беришади. Ва ана шу оғизбирлик ҳи-

собига йўллар, болалар боғчалари ва мактаблар таъмирланади, ўйингоҳлар қурилади.

Имтиёз аслида енгиллик, ёрдам, деган тушунчага яқинроқ, яъни ҳаракат қилиб турган одамни икки қўлтиғидан ушлаб қўллаб юборамиз. Жамиятга фойда келтираман, деган тадбиркорга эса унинг эркин ишлаши учун шароит яратамиз. Ўқийман, илм оламан, деган ёшларга ҳам уларнинг ижтимоий келиб чиқишига қараб енгилликлар яратилапти. Айниқса, бу ҳолат илм олиш жараёнида жуда кўпайиб кетган.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, аксарият мамлакатларда бундай имтиёзлар йўқ. Чунки ортиқча имтиёз адолатсизликни келтириб чиқаради, ортиқча енгиллик одамни ланж қилиб қўяди. Ўйлайманки, ушбунни ўқийтган кишилар атрофдаги воқеалардан хулосани аллақачон чиқариб бўлишди. Камина тўрт мучаси соғ, дуппа-дуруст касби бўлатуриб, яна имтиёз сўраётганларни назарда тутяпман.

Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиш давлат томонидан қўллаб-қувватланади, яъни бундай ки-шиларга 1-, 2-, 3-гуруҳ ногиронлиги берилади. Бу – вақтинча имтиёз, яъни ногирон киши белгиланган муддат ичида ўз соғлигини тиклаб олиши зарур. Минг афсуски, бизда бунинг акси бўляпти. Ногиронлик бир умр бериладиган имтиёз, деб тушунадиганлар кўп.

Баъзан раҳбарларнинг қабул-ларида иштирок этаман. Мурожаат қилувчиларнинг аксарияти имтиёз сўрайди. Уй олишда, кредит олишда, фарзанди ўқишининг

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, аксарият мамлакатларда бундай имтиёзлар йўқ. Чунки ортиқча адолатсизликни келтириб чиқаради, ортиқча енгиллик одамни ланж қилиб қўяди. Ўйлайманки, ушбунни ўқийтган кишилар атрофдаги воқеалардан хулосани аллақачон чиқариб бўлишди. Камина тўрт мучаси соғ, дуппа-дуруст касби бўлатуриб, яна имтиёз сўраётганларни назарда тутяпман.

шартнома пулини тўлаб беришда, хуллас, бу вазларнинг сон-саногий йўқ. Биз давлат томонидан берилаётган беминнат имтиёз ва енгилликларга ўрганиб қолмаяп-мизми? Болаларимиз ҳам биздан ўрнат қилиб, ана шундай турмуш тарзига одатланиб қолишини ўй-лаяпмизми?

Аллоҳ инсон зотида битта имтиёз берган, инсондек яшаш. Фикримча, биз ана шу ақидани пухта тушуниб етсак, бировлардан, давлатдан ор-тиқча имтиёзлар сўрашдан тийила-миз.

Нима дедингиз, азиз муштарий?

VI асрга оид бронза танга топилади

Тошкент яқинида олиб борилган археологик қазिशмалар давомида VI асрга оид ноёб бронза танга топилади. Унда суғд ёзувида битилган “Тwrk х’у’п” – “Турк хоқони” ибораси мавжуд бўлиб, турк сўзининг тарихдаги энг қадимги намунаси бўлиши мумкинлиги айтилмақда.



Топилмани аниқлаган Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази профессори Гайбулла Бобоёровнинг сўзларига кўра, мазкур топилма турк этнонимининг маълум бўлган қўлланилиш тарихини тахминан яна 150 йил қадимият билан боғлайди. Илгари бу атаманинг энг қадимги қайдлари VIII асрга оид Ўрхун-Энасой ёзувларида учраган. Топилган танга эса милoddан аввалги 580-610-йилларга оид.

– Чоч ва Фаргона тангаларида “Турк хоқони” иборасининг аниқланиши туркий халқлар ўтмиши билан боғлиқ кўплаб қарашларни ўзгартириб юборди. Шу кун-ларгача “турк” атамаси VIII аср бошларида ёзилган Тунюкук, Кул тегин ва Билга хоқон битиктоишларида сақланиб қолган эди. Тангалар эса улардан анча олдин – 150 йил илгари зарб қилинган, – дейди профессор Гайбулла Бобоёров.

Ғарбий Турк хоқонлигига тегишли яхши сақланган ушбу тангалар Ислom цивилизацияси марказига топширилаётган бўлди ва шу йўсида уларни биргина юртдошларимизгина эмас, балки ўтмишимиз, тарихимиз билан қи-зиқувчи барча одамлар кўришлари мумкин.


Бобурга тегишли фармон факсимели нусхаси тайёрланади

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази экспозицияси учун Заҳириддин Муҳаммад Бобурга тегишли фармон факсимели нусхаси тайёрланади.

Унинг ушбу фармони 933 йил зулқаъда ой-нинг 13 (ёки эҳтимол 30) санасида (1527 йил-нинг августида) ёзилган бўлиб, бу 1527 йил мартда Ханва жангида меварик Рана Санга ва унинг иттифоқчилари устидан қозонилган ҳал қилувчи ғалабадан бир неча ой ўтгач ёзил-ган. Фармон Бобур (“муқаддас жангчи”, у ушбу жангдаги ғалабасидан сўнг қабул қилган унвон) номидан чиқарилган ва Панжобнинг Батаа парганасидаги Панчал Гул Пиндури қишлоғини қози Жалоуддинга мерос мулк (суюрғол) си-фатида беришган.

Бобур ҳукмронлиги давридан жуда кам асл ҳужжатлар сақланиб қолган. Ҳужжатнинг иак санаси шуни кўрсатадики, Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Жалоуддиннинг Деҳли Лоид султонлари даврида эғаллаб турган лавозимини тасдиқлаш учун янги инъом талаб қилинган. XIV асрдан бери Ҳиндистонда расмий фойдаланишда бўлган қишлоқлар тўпламини англатувчи паргана маъмурий бирангнинг қў-лланилиши Бобурийларнинг мавжуд маъмурий тузиламадан фойдаланишнинг да-вом эттирганини кўрсатади. Бироқ инъомнинг ўзи суюрғол деб аталади, бу мўғулча ирсий мулк атамаси. Бошқа янги атамалар мутаважжхот ва молу жиҳот бўлиб, улар XV асрда Эроннинг катта қисмини бошқарган туркман ва те-мурий-лар сулоаларининг ҳужжатларида учрайдиган солиқ номларидир.

Ислом цивилизацияси маркази Ахборот хизмати



ДЕПУТАТ ТАШАББУСИДАН БАРЧА МАМНУН

Бугунги кунда ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз сиё-сатида устувор вазифалардан бири саналади. Ана шу эзгу мақсадни амалга оширишда депутатлар ҳамда саховат-пеша инсонларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаяпти.

Чилонзор туманидаги “Бек тўпи” маҳал-ласи аҳолиси халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Алишер Ҳусайнов билан юзма-юз мулоқотда маҳалла ҳудудида болалар учун футбол майдони қуриш лозим-лиги, келажагимиз эгаси бўлган ёшлар спорт майдончасига муҳтожлиги ҳақида мурожаат қилишган, шунингдек, маҳалладаги болалар майдончаси ҳам таъмирталаб эканлигини билдириб, мазкур масалаларни ҳал этишда ёрдам сўрашган эди.

Депутат маҳалла аҳлининг бу ҳақли тала-бига жавобан тезда амалий ишларни бошлаб юборди. Қурилиш ташкилотларини ишга жалб этди. Натижада қисқа фурсатларда 12 ёш-

гача бўлган болалар учун замонавий футбол майдони қуриб битказилди. Бундан ташқари, ташландиқ ҳолатдаги болалар майдончаси ҳам янги услубда таъмирланди. Бугунги кунда бу спорт майдончалари болалар билан гавжум. Айниқса, депутат саъй-ҳаракати туфайли 23 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига қурилган ва янги қиёфа касб этган бо-лалар майдончаси ёзги таътил олдидан бола-жонларга муносиб совға бўлди.

Депутатнинг бу хайрли ишидан нафақат болалар, балки маҳалла аҳли жуда мамнун бўлишди.


Спорт майдончасининг қайта қурилиши бо-лаларнинг жисмоний ривожланишига, уларда жамоавийлик, дўстлик ва фаол ҳаёт тарзини шакллантиришга хизмат қилади. Бундай ша-роитларнинг яратилиши болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, соғлом турмуш тарзига эга бўлиши учун муҳим омил бўлади.

– Маҳалламизда амалга оширилаётган амалий ишлар ёшларнинг ёрқин келажаги учун пойдевор десак, муболага бўлмайди, – дейди МФЙ раиси Ҳусан Набиев. – Фарзанд-ларимизнинг соғлом улғайиши, иқтидорли ва ватанпарвар бўлиб камол топиши учун яра-тилган ҳар бир шарт-шароит юксак имкони-ятдир ва у жамият тараққиётида ўз сама-



расини беради. Шунинг учун маҳалламизда спорт инфратузилмасини янада такомил-лаштириш, болаларнинг фаол ва соғлом ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш иш-лари изчил давом эттирамиз.

Ўз муҳбиримиз



ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Бош муҳаррир: Ислom ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
Кўрсаткичи: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдугани Содиқов

ISSN 2011-5217

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тоғи” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 501

Адаби – 1889
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.